

Онлайн таълим ҳақида фикрим

21:11 / 22.04.2016 3399

Савол: Ассалому алайкум. Мен онлайн таълим ҳақида ўз тасавурларингизни билдиринг деб ёзилганини кўриб, ўз фикримни билдирмоқчи эдим. Менинг фикрим шундан иборатки, илм олиш жараёнида ҳар бир толиби илм учун алоҳида профил очилиб, унинг кўрган дарсликлари архиви сақланиб, ҳар бир дарс асосида унга тест саволлари берилса, менимча мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ишлар моддий харажатларни талаб қилса, ўйлайманки юртимиз мусулмонлари Аллоҳ розилиги учун бунга тайёр. Агарда дарслар скайп орқали олиб борилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Жавоб: Фикр билдирганингиз учун ташаккур. Албатта, бу иш осон эмас. Аммо қўлдан келганича уриниб кўришга қарор қилинди. Яна кўпчилик бўлиб яхшилашга Аллоҳ таолодан ёрдам сўраган ҳолимизда давом этамиз.